

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/04.06. 2021.Fil.72.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ШАРИПОВ СОХИБ САЛИМОВИЧ

ЗАМОНАВИЙ ИККИ ТИЛЛИ ЛУҒАТЛАРНИНГ РИВОЖЛАНИШ ВА
ТУЗИЛИШ МУАММОЛАРИ (РУС-ЎЗБЕК ВА ЎЗБЕК-РУС
ЛУҒАТЛАРИ МАТЕРИАЛЛАРИ МИСОЛИДА)

10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва
таржимашунослик

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Бухоро – 2023

УДК:[811.512.133:811.161.1]`374.822-43.86

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по филологическим наукам
The contents of the dissertation abstract for a Doctor of Philosophy (PhD) degree in Philology

Шарипов Сохиб Салимович

Замонавий икки тилли луғатларнинг ривожланиш ва тузилиш муаммолари
(рус-ўзбек ва ўзбек-рус луғатлари материаллари мисолида) 3

Шарипов Сохиб Салимович

Проблемы развития и практика составления современных двуязычных
словарей (на материале русско-узбекских и узбекско-русских словарей) 23

Sharipov Sokhib Salimovich

The Development and Compilation Problems of Modern Bilingual Dictionaries
(based on the material of Russian-Uzbek and Uzbek-Russian dictionaries) 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of publications 47

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/04.06. 2021.Fil.72.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ШАРИПОВ СОХИБ САЛИМОВИЧ

ЗАМОНАВИЙ ИККИ ТИЛЛИ ЛУҒАТЛАРНИНГ РИВОЖЛАНИШ ВА
ТУЗИЛИШ МУАММОЛАРИ (РУС-ЎЗБЕК ВА ЎЗБЕК-РУС
ЛУҒАТЛАРИ МАТЕРИАЛЛАРИ МИСОЛИДА)

10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва
таржимашунослик

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Бухоро – 2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида №В2020.3.PhD/Fil1390 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат университетидида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.buxdu.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Нигматова Лолахон Хамидовна
филология фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Мўминов Файзулло Абдуллаевич
филология фанлари доктори, профессор

Рузметов Суроғбек Аллаберганович
филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)


Етакчи ташкилот:

Самарқанд давлат университети

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат университети хузуридаги DSc.03/04.06.2021.Fil.72.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил «21» Январь соат 09⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: +99865 221-29-14; факс: +99865 221-27-57, e-mail: buxdu_rektor@buxdu.uz.)

Диссертация билан Бухоро давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (278 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: +99865 221-25-87.)

Диссертация автореферати 2023 йил «05» Январь куни тарқатилди.
(2023 йил «05» Январьдаги 23-а - рақамли реестр баённомаси).



Д.С. Ўраева

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, филология фанлари доктори, профессор

З.И. Расулов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, филология фанлари доктори (DSc), доцент

М.М. Жўраева

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филология фанлари доктори (DSc), профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигида ХХ аср бошларида шаклланган лексикографияни алоҳида фан сифатида ўрганиш, унга алоқадор қонуниятлар ва таржима масалаларига эътибор ушбу йўналиш доирасидаги тадқиқотлар кўламини кенгайтирди. Луғатчиликнинг умумий қонуниятларини ўрганиш, тарихий шаклланиши ва тараққиёти, луғатларнинг типологик таснифини таҳлил қилиш, таржима лексикографияси ривожланишининг асосий тамойиларини аниқлаш, луғат муаммолари ва уларни ҳал этиш усулларига тизимли ёндашиш имконини беради. Шу нуқтаи назардан таржима лексикографиясининг мустақил фан сифатида муаммоларини илмий тадқиқ этиш унинг тилшуносликдаги объектив ўрнини аниқлаш ва илмий изоҳлаш талабини келтириб чиқарди.

Дунё луғатшунослигида лексикографиянинг структураси, типологияси, семантик принциплари, луғатларнинг тузилиш тамойиллари, уларни тартибга солишга доир тадқиқотлар бир тил доирасида амалга ошириб келинмоқда. Таржима лексикографиясининг ривожланиш омиллари, таркибий механизмлари борасидаги билимларнинг мужмаллиги уларнинг лексикографик, таркибий-мазмуний, таржима контекстида шаклий ва мазмуний талқини каби устувор вазифа ижросини тақозо этади. Бу, ўз навбатида, русча-ўзбекча, ўзбекча-русча таржима луғатларини ҳар томонлама лексикографик таҳлил қилиш зарурати, лексикографик ишни такомиллаштириш, асл матнлар ва таржима ўртасидаги функционал мутаносиблик ва адекватликка эришиш қонуниятларини ўрганишга хизмат қилади.

Мамлакатимиз жадал ривожланишининг ҳозирги босқичида “Ўзбекистоннинг илм-фан, интеллектуал салоҳият, замонавий кадрлар, жаҳон миқёсида юқори технологиялар соҳасида рақобатбардош бўлиши зарурати”¹ ўзбек луғатшунослиги олдида жаҳон андозалари даражасига кўтаришдан иборат бўлган ўзбек лексикографиясининг янги вазифаларини белгилаб берди. Республикада тил сиёсати соҳасида амалга оширилган кенг кўламли ислохотлар нафақат ўзбек тили тараққиётида янги даврнинг бошланишига, балки луғатшунослик соҳасидаги илмий-тадқиқот ишларининг янги босқичига ўтишга олиб келди, тил ўрганишдаги инсон омилини ҳисобга олган ҳолда амалий тадқиқотларга эътиборни кучайтиради. Шу маънода рус ва ўзбек луғатшунослигига дахлдор категорияларнинг лингвостилистик ва лингвокультурологик хусусиятлари ва моҳиятини, лексикографик тамойилларини ва таржима қилиш механизмларини ёритиш миллий луғатшунослигимизни назарий қарашлар, ечимлар билан бойитишга кенг йўл очади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2020 йил 6 ноябрдаги ПФ-6108-сон «Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2017 йил 22 декабрдаги Олий Мажлисга мурожаатномаси // Халқ сўзи, 2017 йил 23 декабрь. – № 258 (6952).

соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон “Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2021 йил 19 майдаги ПҚ-5117-сон “Ўзбекистон Республикасида хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ҳамда ҳамда соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикасида фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Луғатларнинг биринчи ўхшаши милoddан аввал XXV асрда Шумер цивилизациясида икки тилли шумер-аккад сўз рўйхатлари қўл ёзмалар четида ёзилган нотаниш сўз ва атамалар бирликларидан иборат бўлган. Биринчи тўла қонли луғат мил.ав. XX асрда Хитойда яратилган бўлиб, унинг номи Егуа деб аталган. Луғат 2094 та луғат ёзувларидан иборат бўлган. Ю.Поллуксинг “Ономастикон” и, санскрит луғати “Амара коша” (“Амар хазинаси” деган маънони англатади) қадимий идеографик луғат бўлиб мил.ав. II-III асрларда яратилган², мил.ав. III асрда қадимий эфиоп луғатлари (унинг баъзи парчалари сақланган), мил.ав. VIII асрда Японияда биринчи иероглифик луғатлар яратилган.

Жаҳон тилшунослигида таржима лексикография соҳасида Л.Згуста, Х.Йонг, С.Ландау, М.Хаас, В.Фроули, Я.Малкиэль, Г.Свит, А.Хорнби, С.Джеймс, Х.Касарес ва бошқалар назарий-методологик базасини яратишда улкан ҳисса қўшишган. В.Г.Адмони, В.Д.Аракина, А.Вежбицкой, Е.М.Верещагина, В.Г.Гака, В.Б.Гольдберга, А.Гудавичюсаларнинг илмий фундаментал ишлари рус таржимашунослиги ва таржима лексикографиясига асос бўлган.

Назарий лексикографияга фан сифатида асос солган асосий илмий тадқиқот атоқли тилшунос олим, академик Л.В.Шерба ҳисобланади. 1940 йилда Фанлар академиясининг “Хабарнома” (Известия) журналининг “Адабиёт ва тил” туркумида “Назарий лексикографиянинг умумий тажрибаси” илмий иши унинг кўп йиллик изланишлари натижаси бўлган. А.А.Юлдашевнинг “Туркий-рус луғатларини тузиш тамойиллари” (“Принципы составления тюрско-русских словарей”³) ва Б.Д.Циреновнинг “Мўғил-рус лексикографиясининг структураси, типологияси ва семантик принциплари” (“Структура, типология и принципы семантизации в монголо-

² Шерба Л.В. Опыт общей теории лексикографии // В его кн.: Языковая система и речевая деятельность. – Л., 1974.; Шерба Л.В. Языковая система и речевая деятельность. – Л., 1974; Будагов Р.А. Толковые словари в национальной культуре народов. – М.: Изд-во МГУ, 1989.

³ А.А. Юлдашев «Принципы составления тюрско-русских словарей». – М., 1972.

русской лексикографии”⁴.) каби монографиялари бу борадаги улкан ишлар сарасига киради.

XX асрнинг 50-60 йилларида илмий мақолаларнинг “Лексикографик тўплами” нашр этилган бўлиб, у ўзига хос бошланғич нуқта, назарий ва амалий лексикография масалаларини кўтарган ва муҳокама қилинган ижодий лаборатория бўлган. Бу ўзига хос миллий луғатлар тадқиқотчилари ва тузувчилари учун мактаб вазифасини ўтаган.

Испан тадқиқотчиси, тилшунос олим Х.Касераснинг “Замонавий лексикографияга кириш” (“Введение в современную лексикографию”⁵) монографияси, испан тилидан рус тилига таржима қилинган лексикографияга оид илк илмий асарлардан бири ҳисобланади. А.А.Йулдошевнинг “Туркий-русча луғатларнинг тузилиш тамойиллари” (“Принципы составления тюркско-русских словарей”⁶) номли монографияси туркий луғатшунослик тарихига оид биринчи умумлаштирувчи асар бўлди. Муаллиф ўз китобида туркий луғатлар материаллари мисолида назарий лексикография масалаларини тадқиқ этади. Бу туркий халқларнинг таржима лексикографияси тарихи ўрганилиши борасидаги илк изланиш бўлиб, луғатларни тузиш хусусиятлари, лексикография даврларининг биринчи ва тўлиқ даврлари илмий нуқтаи назардан кўриб чиқилди.

Маҳмуд Қошғарийнинг “Туркий шевалар луғати” (“Словарь тюрских наречий”), “Абушка” луғати, Исҳоқхон Ибратнинг олти тилли таржима луғати, А.Старчевскийнинг “Рус ҳалқининг Ўрта Ўсиёдаги ҳамроҳи” (“Спутник русского человека в Средней Азии”), Ш.Ишаевнинг “Қисқа русча-сартча ва сартча-русча луғати” (“Краткий русско-сартовский и саратовско-русский словарь”), В.Наливкин ва М.Наливкинанинг “Русча-сартча ва сартча-русча умумий сўзларнинг луғати” (“Русско-сартовский и сартовско-русский словарь общеупотребительных слов”), Наманган воҳаси шевалари бўйича қисқача грамматик қлланма” (“Съложениемъ краткой грамматики по наречиямъ наманганскаго уезда”), С.Лапиннинг “Русча-ўзбекча чўнтак луғати” (“Карманный русско-узбекский словарь”), В.Наливкиннинг “Туркистон ўлкаси шеваларида кўп қўлланиладиган сўзларнинг русча-форсча луғати” (“Русско-персидский словарь общеупотребительных слов по наречиям Туркестанского края”) Ўзбекистон таржима лексикографиясининг асоси ва пойдевори ҳисобланади.

Таржима лексикографияси, икки тилли рус-ўзбек ва ўзбек-рус луғатларининг ривожланишига Н.Маматов, Ш.Шоабдурахмонов, Т.Зоҳидов, Р.Х.Маллин, Н.Мирзаев, Н.Тўхлиев, А.Ўлмасов А.Зоҳирий, А.Қодирий, Е.Д.Поливанов, А.К.Боровков, Коры Ниязов Т.Н., Т.Алиқулов каби олимлар катта ҳисса кўшишган.

Тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Бухоро давлат университетининг 2017-2021 йилларга

⁴ Цыренова Б.Д. «Структура, типология и принципы семантизации в монголо-русской лексикографии». – Улан-Уде, 2017.

⁵ Хулио Касарес «Введение в современную лексикографию». – М.: Изд-во иностр. лит., 1958. – 354 с.

⁶ А.А. Юлдашев «Принципы составления тюркско-русских словарей». – М., 19

мўлжалланган илмий тадқиқот режалари доирасида “Замонавий икки тилли луғатларнинг ривожланиш ва тузилиш муаммолари (рус-ўзбек ўзбек-рус луғатлари материаллари мисолида)” мавзусидаги илмий тадқиқот ишлари йўналиши доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги даврида яратилган русча-ўзбекча, ўзбекча-русча луғатлари яратилишининг назарий ва амалий муаммоларининг ёритилиши, ҳамда замонавий таржима лексикографиясининг истиқболли вазифаларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Ўзбекистондаги таржима лексикографиясини илмий асослаш, ижтимоий эҳтиёж ва таржима луғатчилиги ривожланишининг устувор вазифаларини белгилаш;

“типология” ва “тасниф” (классификация) тушунчаларига терминологик изоҳ бериш;

янги турдаги луғатларнинг структуравий тузилишини аниқлаш, 1991 йилдан хозирги кунгача нашр этилган русча-ўзбекча, ўзбекча-русча луғатларининг мега, макро ва микро структуралари чегараларини белгилаш;

икки тилли таржима луғатларининг илмий муаммоларини аниқлаш ҳамда икки тилга таржима қилинган ўрта мактаб ва ОТМлар учун мўлжалланган луғатларнинг асосий муаммоларини очиб бериш;

ўзбек таржима лексикографиясининг истиқболли вазифаларини белгилаш, таржима лексикографиясининг корпус лингвистикаси билан алоқадорлигини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида мустақиллик даврига оид таржима луғатлари танланган.

Тадқиқотнинг предметини янги турдаги русча-ўзбекча ва ўзбекча-русча луғатларни тузишнинг ўзига хос хусусиятлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг методлари. Тадқиқотда аналитик, тарихий-қиёсий, қиёсий-типологик, синхрон-дескриптив, тизимли ва компетентли, таснифий ҳамда элементар статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгиллиги қуйидагилардан иборат:

икки тилли луғатлар инсоният цивилизацияси босқичлари билан параллел равишда юзага келганлиги, русча-ўзбекча ва ўзбекча-русча таржима луғатларининг таркибий жиҳатлари генетик-культурологик, ижтимоий-тарихий ва лисоний-маданий омиллар таъсирида шаклланганлиги далилланган;

таржима луғатларининг тузилиши луғат тузиш тамойили, ҳажми, таркиби, мазмуни, материални тақдим этиш каби дифференциал хусусиятларини белгилаши ва уларнинг таркиби мега, макро, микро тузилмалардан иборат эканлиги исботланган;

узлуксиз таълимнинг барча босқичлари учун мўлжалланган ассоциатив, иллюстратив, мавзуй, таржима луғатларини ишлаб чиқиш ва рақамлаштиришда аудиторияга қараб мослаштириш, ўрганилаётган материални кетма-кетлик билан мураккаблаштириш ва фойдаланувчиларнинг лексикографик малакасини ошириш мезонлари устиворлиги асосланган;

Ўзбек тили миллий корпусининг лексик-семантик муносабатдош бирликлар базасини яратиш ва миллий корпус асосида параллел тиллар корпусини такомиллаштириш таржима луғатлари ҳамда ўзбек тили миллий корпуси ўртасидаги бевосита боғлиқлик қонуниятлари доирасида мантиқий қиймат касб этиши аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

таржима лексикографиясига оид материаллар ва ҳулосалар ўзбек луғатчилиги учун муҳим илмий-назарий асос бўлиб, уларнинг илмий тажрибаси бойитилиши исботланган;

мустақиллик даври таржима ўзбек лексикографиясининг ривожланишига таъсир кўрсатувчи ташқи, ички ва лингвистик омиллар аниқланган;

тадқиқот ва ўрганиш натижасида олинган материаллар, ҳулосалар талаба ёшлар, тадқиқотчилар, филология ва таржимашунослик йўналишлари буйича билим ва кўникмаларини оширишга манба бўлиб хизмат қилиши асосланган;

илмий натижалар қиёсий адабиётшунослик, қиёсий ва чоғиштирма тилшунослик (рус ва ўзбек тиллари буйича), рус ва ўзбек тиллари буйича қиёсий-типологик тилшунослик, компаративистика, таржима назарияси ва амалиёти фанлари ҳамда таржима луғатлар яратилишида қўлланилиши мумкинлиги далилланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги илмий асосланган база, тадқиқот методи ва методологияси билан таъминланган бўлиб янги муаммоларни шакллантириш, уларни ҳал этиш ва тадқиқот натижаларининг диссертация ишининг назарий қоидаларга мувофиқлиги, диссертация иши натижаларининг Ўзбекистон Республикаси ОАК томонидан тавсия этилган Ўзбекистон ва хорижий нуфузли илмий журналларида чоп этилган илмий мақолалар, халқаро ва республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманлардаги илмий мақолалар ва тезислар тўпламларида эълон қилинганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижалари таржима лексикографияси соҳасидаги муаммоларни ўрганишда, улардан ҳам рус, ҳам ўзбек тиллари лексикологияси ва лексикографиясини тадқиқ қилишда, янги авлод луғатларни яратишда манба сифатида фойдаланиш имкониятларини ўрганишда асосий манбалардан бири бўлиши мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олинган илмий натижалардан диссертация тадқиқот материаллари ва натижалари маъруза курслари, амалий машғулотлар, қиёсий тилшунослик бўйича махсус курслар яратишда, дарслик, ўқув қўлланмалар ёзиш, ўқув-услубий қўлланмалар тайёрлашда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Замонавий икки тилли луғатларнинг ривожланиш ва тузилиш муаммолари (рус-ўзбек ва ўзбек-рус луғатлари материаллари мисолида)ни аниқлаш жараёнида эришилган илмий натижалар асосида:

икки тилли луғатлар инсоният цивилизацияси босқичлари билан

параллел равишда юзага келганлиги, русча-ўзбекча ва ўзбекча-русча таржима луғатларининг таркибий жиҳатлари генетик-культурологик, ижтимоий-тарихий ва лисоний-маданий омиллар таъсирида шаклланганлиги билан боғлиқ хулосалардан Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетидан I-ОТ-2019-42 рақамли “Ўзбек ва инглиз тилларининг электрон (Инсон қиёфаси, феъл-атвори, табиат ва миллий тимсоллар тасвири) поэтик луғатини яратиш” мавзусидаги фундаментал, инновацион-илмий лойиҳани бажаришда фойдаланилган (Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг 2021 йил 16 ноябрдаги №04/1-2206-сон маълумотномаси). Натижада янги русча-ўзбекча, ўзбекча-русча ўқув луғатларини яратишда лойиҳа материаллари янги илмий-меърий манбалар билан бойитилди, бундай луғатларни яратиш жараёнида дуч келинадиган айрим қийинчиликларга ечим йўллари аниқланди, лингвистик ёрдам сифатида фойдаланишга тавсия этилган;

узлуксиз таълимнинг барча босқичлари учун мўлжалланган ассоциатив, иллюстратив, мавзуй, таржима луғатларини ишлаб чиқиш ва рақамлаштиришда аудиторияга қараб мослаштириш, ўрганилаётган материални кетма-кетлик билан мураккаблаштириш ва фойдаланувчиларнинг лексикографик малакасини ошириш мезонлари устиворлиги билан боғлиқ натижалардан Бухоро вилоят телерадиокомпаниясининг “Ассалом, Бухоро”, “Саккизинчи мўъжиза”, “Диёр” кўрсатувлари сценарийсини тайёрлашда фойдаланилган (Бухоро вилояти телерадиокомпаниясининг 2021 йил 2 ноябрдаги №1/282-сон маълумотномаси). Натижада сценарий асосида кўрсатилган телевизион дастурларда адабий танқиднинг замонавий жараёнлари, аҳоли саводхонлигини ошириш, ўсмир ёшлар ҳамда ёш авлоднинг хорижий тилларни, хусусан, рус тилини ўрганишга қизиқишини ошириш, луғат бойлигини ошириш ҳақида сўз юритилиб, мактабгача ва мактаб ўқувчилари, хизмат кўрсатиш соҳасининг турли тармоқлари ҳамда иқтисодиётнинг давлат ва хусусий сектор корхоналарининг тил малакасини ошириш зарурати айтиб ўтилган, аҳоли ўртасида китобхон маданияти ва саводхонликни ошириш тўғрисида фикрлар ёритилган;

таржима луғатларининг тузилиши луғат тузиш тамойили, ҳажми, таркиби, мазмуни, материални тақдим этиш каби дифференциал хусусиятларини белгилаши ва уларнинг таркиби мега, макро, микро тузилмалардан иборат эканлиги билан боғлиқ хулосалардан Ўзбекистон Рус маданий маркази томонидан ташкил этилган умумтаълим мактаблари ўқитувчилари учун ўтказилган семинарда “Замонавий икки тилли луғатлар тузиш амалиёти ва муаммолари (рус-ўзбек ўзбек-рус луғатлари материаллари)” мавзусидаги маърузада фойдаланилган (Ўзбекистон Рус маданий марказининг 2021 йил 25 сентябрдаги №02-93-сон маълумотномаси). Натижада семинар иштирокчилари тадқиқот усуллари, икки тилли таржима ўқув луғатларини тузиш назарияси ва амалиёти, луғатларни тузиш хусусиятлари, бунда халқнинг маданий-маънавий алоқасини ҳисобга олиш зарурлиги билан яқиндан таништирилди. Семинар якуни бўйича луғатларнинг тузилиши ва мазмуни таҳлил қилиш услублари,

рус тилини ўқитиш амалиётида замонавий икки тилли ўқув луғатлардан фойдаланишга оид инновацион ёндашувлар таклиф этилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 16 та, жумладан, 8 та халқаро ва 8 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертация асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, улардан, 3 таси республика ва 5 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, иловалардан ташкил топган бўлиб, умумий ҳажми 155 саҳифани ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мазвунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг республикада фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, мазвунинг ўрганилганлик даражаси ва диссертациянинг тадқиқот режаларидан келиб чиққанлиги тавсифланган, тадқиқотнинг объекти, предмети, мақсади ва вазифалари белгиланган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, натижаларнинг жорий этилиши, тадқиқотнинг апробацияси, натижаларнинг нашр этилганлиги, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми ҳақидаги маълумотлар тақдим этилган.

Диссертациянинг биринчи боби “**Ҳозирги босқичда назарий лексикография**” деб номланиб: “Замонавий лексикографиянинг янги жиҳатлари”, “Жаҳон лексикографияси ривожланишининг асосий жиҳатлари”, “Ўзбекистон лексикографиясининг тарихий-хронологик хусусиятлари” каби уч фаслдан иборат. Боб таржима лексикографияси ривожланишининг асосий жиҳатларига бағишланган. Инсонлар ўртасидаги мулоқот билим, кўникма ва тажриба билан алмашилиш сўзларга таянади. Барча маълумотларни, материалларни умумлаштириш луғатларда учрайди, луғатлар бутун ҳаёти давомида уларга ҳамроҳ бўлади. Инсоният тараққиёти, халқнинг ижтимоий аҳволи ва жамият муносабати, илм-фан тараққиёти ёки тафаккури, барча ҳодисаларни луғатлар қамраб олиб инсоният тараққиётининг кўзгуси сифатида таълим ва илм чашмаси вазифасини бажариб, илм-фан, техника ва бошқа соҳаларда бир тилдан иккинчи тилга сўзларнинг талқинидан бошлаб, тўғри таржимаси ва ёзилишигача қамраб олади.

Биринчи фасл “Замонавий лексикографиянинг янги жиҳатлари” деб аталиб, замонавий лексикографиянинг ривожланиши, унинг ҳозирги замонда тутган ўрни ва ролига бағишланган. XX аср ўрталари ва XXI аср бошларида жаҳон лексикографиясининг мисли кўрилмаган юксалиши билан чамбарчас боғлиқ. Дунё мамлакатларининг ишлаб чиқариш, илм-фан, техника соҳасидаги фаол ҳамкорлик, тажриба алмашишлари хорижий тилларни ўрганишнинг асосий омили бўлиб, луғатлар ва таржима

лексикографиясининг жадал ривожланишига туртки бўлди. Бундай ўзгаришлар билан бир вақтда она тилига этнолингвистик маданият посбони сифатида муносабат ҳам ўзгарди. Янги компьютер технологиялари, кўплаб босмаҳоналар луғатларни оммавий фойдаланишига йул очиб берди, бу ўз навбатида тилнинг ифлосланиши ва ёт сўзлар билан ҳаддан ташқари бойиб кетишига олиб келади. Етакчи мутахассислар томонидан тил ва тил муҳитини жаҳон мероси сифатида кибермаконда кибер ҳужумлардан асраб-авайлаш борасида катта ишларни амалга оширмоқдалар. Замонавий ҳаётни интернет тармоғисиз тасаввур қилиш қийин, бу эса ўз навбатида ахборот соҳасида ҳам ахборотдан фойдаланувчиларнинг ижтимоий фаолиятида ҳам лингвистик, ҳам маданий жиҳатдан ҳар хил турдаги маълумотларнинг кириб келишига олиб келади.

Навбатдаги йирик илмий иш, жамоавий монография “The Routledge Handbook of Lexicography” бўлиб олти бўлимдан иборат ва 47 мақолалардан ташкил топган. Мақолаларнинг асосий мавзуси назарий ва амалий лексикография масалалари, луғатларнинг типологияси ва таснифи, алифбо китоблари, лексиконлар ва тезауруслар, атамалар банки ва бошқа ахборот ресурсларининг таркибий тузилиши, роли ва компитентлигига, турли билим соҳаларни қамраб олган маълумотларга бағишланган. Шундай қилиб, бугунги кунда ҳам лексикографиянинг яна бир соҳасини таъкидлаш мумкин, электрон луғатлар босма нашрга қарама-қаршидир.

Иккинчи фасл “Жаҳон таржима лексикографияси ривожланишининг асосий жиҳатлари” деб номланган. Мулоқот, тажриба, билим алмашиш жамият тараққиётига асосланади, буларнинг барчаси сўз орқали содир бўлади. Цивилизация ривожланиши, одамлар аҳволи ва турмуш тарзи, жамиятнинг муносабати, илмий прогрессив ёки маънавий ва диний тафаккурининг ривожланишини акс эттирувчи кўзгу бўлган луғат - таълим, илм-фан, техника ва турли соҳаларнинг ривожланишини қамраб олган акс эттирувчи функцияларни бажарадиган сўз, унинг таржимаси, талқини, семантик маъноси, бир тилдан иккинчи тилга таржимаси каби вазифаларни бажаради.

Кўпинча луғатларга мурожаат қилиб, ўқувчи ўз олдига мақсад қўяди-урғу тўғри қўйилганми, сўз таржимаси тўғри бўлганми, сўзга қандай қилиб синоним ёки антоним танлаш мумкин ва ҳоказолар. Ҳозирги босқичда луғатлар инсоннинг асосий ёрдамчиси бўлиб, унинг маълумотномаси, сўзнинг тўғри талқинидан бошлаб тўғри ёзилишигача, бир тилдан иккинчи тилга таржимаси, компьютерлардан бошлаб ахборот қидирув тизимларигача, замонавий ҳаётни уларсиз тасаввур қилиш қийин бўлиб, кўплаб саволларга жавоб топишимиз мумкин. Бундай вазиятларда луғатларнинг ўрни бекиёсдир ва шу сабабли луғатлар лексикографиянинг ҳам объекти, ҳам предмети вазиифасина бажаради. Лексикография атамасини тўлиқ тушуниш мақсадида тарихий луғатларга мурожаат қилдик. Лексикография сўзи юнон сўзи бўлиб, *lexis* “сўз” ва *graph*⁷ “ёзиш” – маъноларини англатади. 1578 йилда Анри Этьен “*lexicographie*” сўзини қўллаган, бу сўз XI-XII асрда ёзилган ва чоп этилмаган

⁷ Анри Этьенн «Deux dial ogues du nouveaux language François, Italianizé». – Genève, 1578.

асардан “*lexikographos*” шаклда ифодаланган ва “луғат ёзиш⁸” маъносида ишлатилган. Англияда *lexicography* (лексикография) атамаси 1680 йилда, Германияда *lexikographie* – 1698 й.; Францида – 1765 йилларда кириб келган. *Dictionary* (луғат) сўзи илк маротаба XIII асрда Джон Гарланд (J. Garland) томонидан «*Dictionarius*» ишида қўлланилган. Илк латин-инглиз луғати 1538 йилда сэр Томас Элиот (T. Elyot)⁹ томонидан чоп этилган. 1896 йилда нашр этилган “Брокгаўз ва Ефрон энциклопедие луғати”да (Энциклопедический словарь Брокгауза и Ефрона) “лексикография” атамаси учрамади, бироқ “лексикология” ва “луғат” атамалари учраб “луғат техникаси” (словарная техника) атамаси синоними сифатида берилган. 1914 йилда чоп этилган “Ака-ука А. Ва И. Гранат жамияти К^о” (Товарищество Братьев А. и И. Гранат и К^о)да “лексикография” атамасини учратиш мумкин: “лексикография” (юнон.), тил материали бўлмиш сўзни илмий ишлов берувчи луғат тузиш учун бирлик (Лексикография (греч.), научные способы обработки словесного материала языка для составления лексикона¹⁰). 1953 йилда қайта чоп этилган нашрда “Лексикография – тилшунослик бўлими бўлиб луғатлар тузиш назарияси ва амалиёти билан шуғулланади¹¹”. Кўпчилик олимлар фикрича 17 асрнинг турли даврларида лексикографиянинг фан сифатида ривожланиши учун дастлабки шартлар пайдо бўлди. Англияда бу Самюэл Джонс (S. Johnson)¹² номи билан боғланган. 1765 йилда Дени Дидронинг¹³ энциклопедияси чоп этилган, француз олимларининг аънаналирини давом эттириб XIX асрда П.Ляруссинг¹⁴ 15 жилддан иборат “Катта универсал луғат”и чиқарилди. Луғатнинг машхурлиги шундаки, “ҳамма учун ҳамма нарсалар ҳақида”.

Араб лексикографияси ислом дини пайдо бўлишидан олдин вужудга келган, у шеърият билан чамбарчас боғланган. У ўзининг кейинчалик ривожланишини ислом динининг тарқалиши билан муқаддас “Қуръон” сураларининг талқини учун олди.

Шарқий славянлар орасида биринчи луғатлар лексикалар, алифболар ёки талқинлар деб номланган. 1282 йилда чиқарилган “Учар китоб” (Кормчая книга) деб номланган асарда 174 сўздан иборат қадимги рус, юнон ва эски славян тилларида ёзилган луғат учрайди. 1596 йилда Лаврентий Зизаний Тустановский (Лаврентий Иванович Куколь) томонидан илк «Лексис, Сирѣчь реченія, Вькратъцѣ събран(ъ)ны и из слове(н)скаго языка на просты(й) рускі(й) діале(к)тъ истол(ъ)кованы» («Лексис сиречь речения, вкратце собраны и из словенского языка на простой русский диалект истолкованы») луғат тўзилган. Ушбу луғат Алифбога илова бўлиб 1061тачерковславян ва эскиславян сўзларининг оддий рус тилига таржимаси бўлган. Шундай қилиб луғатлар инсонларнинг доимий ҳамроҳлари бўлиб, унга ҳаётда ёрдам берган.

⁸ Дубичинский В.В. Теоретическая и практическая лексикография. Wiener slawistischer almanach sonderband 45. Wien – Charkov., 1998. – С. 14.

⁹ Singh R.A. An Introduction to Lexicography. – Mysore, 1982. – С. 4.

¹⁰ Энциклопедический словарь товарищества «Братьев А. и И. Гранат и К^о. – М.: Изд. тов. А. Гранат и К^о, 1914. – С. 26.

¹¹ БСЭ, 3е изд. 1973, т. 14.

¹² Сэмюэль Джонсон «Dictionary of the English language». 1755 г.

¹³ Дени Дидро Энциклопедия. – Москва, Советская энциклопедия, 1966

¹⁴ Larousse P. Grand Dictionnaire universel du XIX-e siècle. – Париж, б. г. – 1122 с.

Илк маротаба 1936 йилда академик В.В.Шерба “Рус-француз луғати”нинг сўз боши қисмида олимларнинг луғатларга ва луғатчиликка эътиборсизлиги ҳақида айтиб ўтган¹⁵. Кўп йиллик меҳнат натижасида ХХ асрнинг “Лексикография умумий назарияси тажрибалари” (“Опыт общей теории лексикографии”) номли китоб чиқарилди, унда олим лексикографияни илмий нуктаи назардан (взглянуть на лексикографию как на отдельную научную дисциплину) кўриб чиқди¹⁶.

Машаққатли тадқиқот ишларидан сўнг Л.В.Шерба лексикографияни назарий ва амалий лексикографияга бўлинади деган хулосага келди. Луғатларнинг яратилиши ва тарихи билан назарий лексикография, амалий лексикография эса бевосита луғатларни тузиш жараёни ёки луғат учун материаллар билан шуғулланади.

Учинчи фасл “Ўзбекистон лексикографиясининг тарихий-хронологик хусусиятлари” деб номланади. Ушбу фаслда юқорида айтиб кўрсатилган тарихий ва илмий далилларга асосланиб айтишимиз мумкинки, таржима қилинган икки ёки кўп тилли лексикография жуда қадимий тарихга эга бўлиб, алифбо, луғатлар (глоссарийлар) шаклида ифодаланган. Уларнинг барчаси бир тилдан иккинчи тилга таржима қилиш учун хизмат қилган. Ўзбекистон таржима лексикографияси жуда бой тарихга эга бўлиб, бир неча даврларни ўз ичига олади:

1-давр. XI-XIII аср: Махмуд Кошғарийнинг «Девону луғотит-турк», («Собрание сочинений туркских наречий»). Бу китоб биринчи қомусий луғат бўлиб, ўша даврдаги этнографик, тарихий, маданий ва лингвистик материалларини ўзида жамлаган. «Ат Тухфа аз-закия фи-л-луғат ат туркия» («Особый дар, написанный о тюркском языке») номаълум муаллиф томонидан яратилган асар бўлиб¹⁷, араб тилида ёзилган ва чигатой тилига бағишланган.

2-давр. XV асрдан 1862 йилларгача бўлган даврни олади. Бу даврда Алишер Навои асарларига бағишланган луғатлар яратилган. Яна бу даврга XV асрнинг охирларига мансуб Толеъ имоний Хиравийнинг “Бадоеъ ул-луғат” асарини ҳам киритса бўлади.

“Абушка” – чигатойча-туркча луғат, ўз номини луғатнинг биринчи сўзидан олган. Луғатда 2000 га яқин сўз мавжуд бўлиб, уларнинг маъноси у ёки бу сабабларга кўра турклар учун номаълум ёки нотаниш бўлган. Луғат Мустафо бинни Содик¹⁸ томонидан тузилган (ҳозирда Англияда сақланади).

XVII аср охирларида Файзуллахон томонидан “Луғати турки” асари яратилди (Британия мўзейида сақланмоқда). Ушбу асар эски ўзбек чигатой тилида ёзилган. Луғат уч бобдан иборат¹⁹. Шу билан бирга XVII аср охирларида Хивада Муҳаммад Ризо томонидан “Луғат” яратилиб, унда Алишер Навоий асарлари бўйича араб ва форс тилларида сўз ва сўз бирикмаларнинг изоҳи ва талқини берилган.

¹⁵ Шерба Л.В. Предисловие к Большому русско-французскому словарю // Языковая система и речевая деятельность. – М.: Наука, 1974. – С. 304.-312

¹⁶ Морковкин В.В. Учебная лексикография как особая лингвометодическая дисциплина. 1987. – С. 30.

¹⁷ Ҳамраева М. Фейллар мисолида идеографик луғат тузиш. – Т., 2014.

¹⁸ Умаров Э.А. Древние узбекские словари. – Т., 1992. – С.11.

¹⁹ Шерба А.М. Грамматика староузбекского языка. – М.-Л.: Изд-во АН СССР, 1962. – С. 55.

Мирзо Махдихоннинг “Мирзо Махдихон луғати” ва “Мабани л-луғат”, ҳамда “Санглоҳ” асарлари эски ўзбек грамматикаси ҳисобланади. Асар 6 қисмдан иборат бўлиб, “Санглоҳ” эски ўзбек сўзларининг форсий тилдаги таржимаси бўлган. Луғатда мўғил ва турк тилларидан ўзлашган сўзлар ҳам учрайди²⁰.

Фатх Алихон Хожарийнинг “Луғати” (1957-1862 йй.) 4 қисмдан иборат:

1. Сўз боши.

2. Чиғатой-форсий луғат.

3. Мирзо Махдихоннинг “Санглоҳи” дан тушунилмаган ва таржима қилилмаган 12 сўз.

4. Алишер Навоий асарларида учрайдиган форсий сўзларнинг луғати²¹.

3-давр. 1887-1917 йилларни ўз ичига олади. Бу даврда икки тилли таржима луғатлари ривожлана бошлади. XVIII асрнинг охири ва XIX асрларнинг бошларида Муҳаммад Ризо Хоксорнинг “Мунтахаб ул-луғот” ва “Зубд ул-луғот” номли иккита луғат яратилган. XIX асрда Шайх Сулаймон Бухорий томонидан “Луғати чиғатойи ва турки усмоний”²² тузилган, шу билан бирга 1901 йилда Тошкентда Исҳоқ Ибратнинг “Луғати сита ал-сина”²³ чоп этилган. Бу олти тилли луғат бўлиб, унда форс, араб, туркий, ҳинд, ўзбек ва рус тилларида таржималар берилган.

4-давр. XIX аср охирларида Россия ва Туркистон ўртасида сиёсий, маданий, иқтисодий алоқалар мустаҳкамланди. Бу ўз ўрнида мулоқот ва тушуниш заруратини туғдирди, шу ўринда ўзбек ва рус тилларни чуқур ўрганишга сабаб бўлди. Шундай қилиб тарбиявий хусусиятга эга бўлган таржима луғатлари кенг тарқалди.

Шу сабабли асосан луғат таржимаси фаолияти шу даврда ривожланди. Булар асосан, русча-ўзбекча, русча-форсча луғатлар бўлиб, шулар жумласига А.Старчевскийнинг “Ўрта Осиёда рус одамнинг ҳамроҳи” (Спутник русского человека в Средней Азии) 13000 та сўз, Ш.Ишаевнинг “Рус-сарт, сарт-рус қисқа луғати” (Краткий русско-сартовский и сартовско-русский словарь), В.Наливкин ва М.Наливкиналарнинг “Русча-сартча ва сартча-русча умумий сўзларнинг луғати, Наманган воҳаси шевалари буйича қисқача грамматик қўлланма” (Русско-сартовский и сартовско-русский словарь, общеупотребительныхъ словъ, съложениемъ краткой грамматики по наречиямъ наманганскаго уезда) (8500+4200 сўз), С.Лапиннинг “Русча-ўзбекча чўнтак луғати” (Карманный русско-узбекский словарь), В.Наливкиннинг “Туркистон ўлкаси шеваларида кўп қўлланиладиган сўзларнинг русча-форсча луғати” (Русско-персидский словарь общеупотребительных слов по наречиям Туркестанского края) киради.

5-давр. 1924 – 1990 йилларни ўз ичига олиб, собиқ иттифоқ ҳудудида халқаро муносабатлар ва интеграция кучайганлиги сабабли таржима лексикографиясининг ривожланишига билан боғлиқ. Ушбу интеграциясининг боғловчи асоси рус тили ҳисобланган. Бундан ташқари, бу

²⁰ Там же. – С. 59.

²¹ Там же. – С. 60.

²² Сурайё Гафурова. Из истории узбекской лексикографии. Наукові конференції. <http://oldconf.neasmo.org.ua/node/2518>

²³ Там же. <http://oldconf.neasmo.org.ua/node/2518>

давр илм-фан, маданий, касбий алмашинувини талаб қилган бўлиб, буларнинг барчаси ҳар хил турдаги луғатларни яратиш ва бунинг натижасида таржима лексикографиясини ривожлантиришга зарурлигини тақозо этди. Асосан бу турли соҳадаги ишлаб чиқаришга қаратилган терминалогик луғатлар бўлди.

Мисол тариқасида Б.Бриловнинг “Русча – ўзбекча луғати”, Шокиржон Раҳимийнинг “Катталар учун ҳамроҳ” (1925 й.), Е.Д.Поливановнинг “Русча-ўзбекча қисқача луғат” (1926й.), Ашурали Зоҳирийнинг “Русча-ўзбекча тўлиқ луғат” (1927 й.), С.Раҳмати ва А.Қодирийларнинг “Русча-ўзбекча тўлиқ луғати” (1934 й.), В.В.Решетовнинг “Қисқача русча-ўзбекча луғат” (1935 й.) каби луғатларни киритса бўлади. А.К.Боровков таҳрири остида 5 жилддан иборат “Русча-ўзбекча луғат” нашр этилган. (1954й.)²⁴

Шунингдек “Русча интернационал изоҳли луғат” (1965), Н.Хотамовнинг “Адабий атамаларнинг қисқача луғати” (1960), А.А.Азизовнинг “Русча-ўзбекча қисқача луғати” (1989), А.А.Азимов ва З.Ризаевларнинг мактаб ўқувчилари учун “Ўзбек-рус луғати” 2 томдан иборат (1986-1984), Х.Асадов ва Р.Юлдашевларнинг “Ўзбек-рус, рус-ўзбек мактаб луғати” (1981), Э.Азларов, М.А.Рогожина, С.Ф.Акобиров, З.М.Магафуров, Н.М.Муротов ва бошқаларнинг “Икки жилдли рус-ўзбек луғати” (1983) тайёрланиб нашр этилган.

6-давр. 1990 йиллардан бошлаб ҳозирги давргача қамраб олинган. Бу давр дунёнинг аксарият тилларида таржима луғатларини яратишни ҳам, электрон иловалардан тортиб миллий тил корпусларигача бўлган турли электрон таржима плаформаларигача, кўп тилли луғатларнинг яратилишини ҳам ўз ичига олади.

1990 йил 19 февралда “Тил тўғрисида”ги қонун қабул қилинганидан сўнг тилшунослар ва луғатшунос олимлар олдида бир тилли, икки ва кўп тилли луғатларнинг сифатини ошириш ва яхшилаш вазибалари қўйилди. Маданий, иқтисодий ва сиёсий алоқаларнинг ривожланиши билан бирга янги таржима луғатларига эҳтиёж пайдо бўлди. Ўтган давр ичида ўзбек сўзларининг аналоглари учрайдиган хитой, япон, корейс ва ҳинд луғатлари ўрганилди. Ҳар йили ўнлаб луғатлар яратилмоқда. Улар қаторида “Ўзбек-рус луғати”ни ҳам учратиш мумкин. Луғат 40000 сўздан ортиқ сўзларни қамраб олиб, унда ўзбек тилининг умумий луғавий сўзлар қаторида рус тилидан ўзлашган сўзлар киритилган. 2014 йилда икки жилддан иборат “Рус-ўзбек изоҳли луғати” нашр этилган. Ушбу луғат 1983-1984 йилларда нашр этилган луғатнинг янги талқини сифатида чиқарилган. Луғат Тил ва адабиёт институининг мутахассиси Абдуваҳоб Мадвалиев таҳрири остида чиқарилган. XXI аср глобаллашув асри бўлиб, илм-фан, техника тараққиёти асри ҳисобланиб ҳаётнинг барча соҳаларига ўз таъсирини ўтказди. Компьютер ва электрон технологиялари, бутунжаҳон интернет тармоғи инсон ҳаётида салмоқли ўрин тутди. Онлайн компьютер луғатлари, компакт дискларга ёзилган луғатлар, луғатларнинг мобил версиялари омма орасида кенг тарқалмоқда. Интернетнинг мавжудлиги онлайн кутубхона ва онлайн

²⁴ Словари, изданные в СССР. Библиографический указатель 1918-1962. – М.: Изд-во «Наука», 1966. – С. 153-157.

луғатлардан фойдаланишга имкон беради. Электрон луғатлар махсус дастурланган бўлиб, махсус дастурлар орқали яратилади.

Диссертациянинг иккинчи боби “**Икки тилли таржима луғатларининг асосий муаммолари**” номланиб, уч фасл: “Таржима луғатларида “замонавийлик” принципи”, “Луғатлар типологияси ва таснифи”, “Таржима лексик луғатларининг илмий муаммолари” каби фасллардан иборат. Ижтимоий ҳаётдаги ўзгаришлар, илм-фан тараққиёти инсонлардан доимий равишда ривожланишни, олдинга қараб интилишни талаб этади. Тил унинг ажралмас қисми бўлган ҳолда ҳам доимий ривожланиб боради. Тил ривожланишининг маълум бир босқичида сўзлар ўзгаради, баъзи бир сўзлар йўқолади, унинг ўрнида янгилари пайди бўлади, баъзи эски сўзлар янги маъно касб этиб, семантик оҳангини ўзгартириши мумкин. Луғат номларида “Замонавий” деган сўзларни кўп учратамиз, масалан “Замонавий русча-ўзбекча луғат” ёки “Замонавий ўзбекча-русча луғат” ва ҳоказо. Луғатларнинг бундай номланиши, яъни “замонавий” сўзининг ишлатилиши нисбийдир, чунки турли луғатларда “замонавий” атамаси турли хил маънога эга ва фақат уларнинг биттасида ўхшашликни учратиш мумкин: “ҳозирги вақтга тегишли, долзарб, охирги нуқта”. Ўзбек тилида “замонавий” атамасига қуйидаги изоҳлар берилган: замонавийлик - ҳозирги замонга хос, замонавий – ҳозирги замонга оид, замонавий – замон талабларига жавоб берадиган ва ҳоказо. Ўрганиш асносида биз қуйидаги хулосага келдик: “замонавий” атамасининг маъноси турли давр луғатларида фарқланади. Е.Ф.Ефремов луғатида – ҳозирги пайтда зарур актуал, долзарб деб таърифланган, шундай қилиб “замонавий” сўзи “охирги нуқта” ва “охирги давр” деб берилган.

Неологизм луғатларида биз *акциз, андеграунд, ангрейд, брифинг, визажист* каби сўзларни учратамиз. Яқин орагача *вендинг, гример, карвинг, коуч*²⁵, *лобби, лук* каби сўзлар бизга нотаниш бўлган, бироқ илм-фан ва техника тараққиёти билан тилимиз янги сўзлар ва атамалар билан бойиб бормокда, чунки бу сўзлар айна луғатлар яратилаётган даврни қамраб олади, бундай янги сўзлар ва атамаларнинг луғатга тушмай қолиши мумкин, сабаби луғат яратилгандан бошлаб нашргача бўлган жараён бир мунча муддатни талаб этади. Бундан хулоса қилиш мумкинки, нашр этилган ва чоп этилган луғат чиқиш пайтида замондан орқада қолиб кетиши мумкин. Шу муносабат билан луғатлар номида ишлатиладиган “замонавий” сўзининг ишлатилиши шартли ва нисбий деб ҳисобласа бўлади.

Бобнинг иккинчи фасли “Луғатлар типология ва таснифи” деб номланади. Луғатлар типология – ягона тизимга бирлаштирилган луғатлар тўплами бўлиб, бажарилган ишларни англашга имкон беради, ҳамда янги типдаги луғатлар яратилишини башорат қилади. Луғат типи ўз ичига олган асосий маълумотлар билан белгиланади. Луғатлар тури иерархик қонун асосида тузилади. Луғатлар иерархик поғонасининг иккинчи босқичида унинг кичик тури туради. Бундай луғатларнинг умумий хусусиятлари ҳам, фарқловчи хусусиятлари ҳам мавжуд. Луғатлар типологияси ҳақида гапирганда, одатда луғат ишларининг назарий ва йўналтирилган мажмуаси сифатида тушуниладиган луғатлар тизимига етарлича этибор бериш керак.

²⁵ Словарь неологизмов. Неологизмы XXI века <https://russkiiyazyk.ru/leksika/slovar-neologizmov>.

Луғат тизими – бу маълум (шу жумладан бир хил) тил бирликларининг кўп ўлчовли тавсифини таъминлайдиган турли жанрдаги луғатлар тўпламидир (масалан, луғат тизими изоҳли, идеографик, грамматик, тескари ва бошқа луғатларни шакллантиришга қаратилган рус тилининг лексик ядроси)²⁶.

Луғатларнинг таснифи – бу маълум бир луғатлар тури бўлиб, кичик тур доирасидаги ҳақиқатда мавжуд бўлган луғатлар гуруҳи. Луғатларнинг турли таснифларини қиёслаш билан турли олимлар шуғулланганлар, жумладан, Л.В.Шерба, В.Ф.Роменская, В.Д.Табанакоев ва бошқалар, бироқ Л.В.Шербанинг типологияси оппозицион хусусиятига кўра асосий ҳисобланади.

